



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 14 » апрель

№ 220

Toshkent sh.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида “Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри канализация тизимини реконструкция қилиш ва қуриш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қарши шаҳрининг аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларининг канализация хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш, шаҳарнинг санитария-эпидемиологик ҳамда экологик ҳолатини янада яхшилаш, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

а) Европа тикланиш ва тараққиёт банки (кейинги ўринларда – ЕТТБ) билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида 2019 йил 20 ноябрда “Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри канализация тизимини реконструкция қилиш ва қуриш” лойиҳасини (кейинги ўринларда – лойиҳа) амалга ошириш учун 4 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган 15 йил мобайнида қайтариш муддати билан 60,0 млн АҚШ доллари миқдорига қарз бериш тўғрисида қарз битими имзоланганлиги;

б) лойиҳанинг умумий қиймати 76,04 млн АҚШ долларини, шу жумладан: ЕТТБ қарзи - 60,0 млн АҚШ долларини ташкил этиши;

лоyiҳани амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг ҳиссаси – 16,04 млн АҚШ долларини, шу жумладан солиқ ва божхона имтиёзлари бериш тарзида 11,7 млн АҚШ долларини ва ЕТТБ қарзи бўйича инвестиция даврида фоизлар ва мажбурият учун воситачилик ҳақи кўринишида 4,34 млн АҚШ долларини ташкил этиши;

в) лойиҳани амалга ошириш даври 4 йилни (2020-2023 йиллар) ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги “Коммунхизмат” агентлиги (кейинги ўринларда – “Коммунхизмат” агентлиги) лойиҳанинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлайдиган ташкилий-техник тадбирларни ўтказиш, ЕТТБнинг қарзларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун масъул бўлган ижро этувчи орган ҳисобланади;

қарз умумий суммасининг 1,0 фоизи миқдорида ЕТТБ қарзининг бирйўла воситачилик ҳақини тўлаш ЕТТБнинг қарзлари ҳисобига амалга оширилади.

3. Қуйидагилар:

“Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри канализация тизимини реконструкция қилиш ва қуриш” лойиҳасининг техник-иқтисодий асослашнинг асосий техник-иқтисодий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

“Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри канализация тизимини реконструкция қилиш ва қуриш” лойиҳаси бўйича Европа тикланиш ва тараққиёт банки қарзини қайтариш, фоизлар ва воситачилик ҳақини тўлашнинг прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ;

“Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри канализация тизимини реконструкция қилиш ва қуриш” лойиҳаси доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки қарзларига хизмат кўрсатиш харажатларини қоплаш бўйича улушлар тақсимотининг прогнози 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига ЕТТБ қарзини Ўзбекистон Республикаси, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, “Коммунхизмат” агентлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – “Ўзсувтаъминот” АЖ) “Қашқадарё сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда – “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ) ўртасида қайта кредитлаш тўғрисидаги битимни (кейинги ўринларда – қайта кредитлаш тўғрисидаги битим) имзолаш ваколати берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ва ЕТТБ ўртасидаги қарз битими ҳамда қайта кредитлаш тўғрисидаги битим бўйича белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

6. “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқарув раиси зиммасига қайта кредитлаш тўғрисидаги битим шартларига мувофиқ ЕТТБ қарзини қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш учун зарур бўлган маблағлар “Ўзсувтаъминот” АЖнинг “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ томонидан ўз вақтида жамланиб борилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги:

канализация тармоқлари ва иншоотларини қуриш учун зарур бўлган ер участкалари белгиланган тартибда ажратилишини, шунингдек, заруратга кўра ер участкалари ажратилиши натижасида компенсация тўловлари тўланишини;

2020 йилдан бошлаб Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджети параметрларида ЕТТБ қарзи бўйича фоизларни ва асосий қарзни қайтаришга “Ўзсувтаъминот” АЖнинг “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖнинг ушбу мақсадларга йўналтириладиган ўз маблағларига кўшимча равишда маблағларни назарда тутсин.

8. Европа тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларини мувофиқлаштириш гуруҳига лойиҳани мувофиқлаштириш ва бошқариш функциялари юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда ҳар бир йил учун асосий кўрсаткичларни аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда, 2020-2022 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурларини шакллантиришда ушбу лойиҳа доирасида ажратиладиган маблағларни инобатга олсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Х. Салиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**“Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри канализация тизимини реконструкция қилиш ва қуриш” лойиҳасининг техник-иқтисодий асослашнинг
АСОСИЙ ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Компонент номи	Ўлчов бирлиги	Ҳаммаси*	Молиялаштириш манбаси, шу жумладан:	
				ЕТТБнинг қарзи	Ўзбекистон Республикаси хиссаси
1	Лойиҳанинг умумий қиймати	минг АҚШ долл. экв.	76 038,14	60 000,00	16 038,14
2	Капитал қўйилмалар суммаси, ҳаммаси	минг АҚШ долл. экв.	64 338,14	60 000,00	4 338,14
	<i>шу жумладан:</i>				
2.1.	Товар ва хизматлар	минг АҚШ долл. экв.	55 000,00	55 000,00	
	<i>шундан:</i>				
	Ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш харажатлари	минг АҚШ долл. экв.	1 800,00	1 800,00	
	Қурилиш-таъмирлаш ишлари	минг АҚШ долл. экв.	53 200,00	53 200,00	
2.2.	Маслаҳат хизматлари	минг АҚШ долл. экв.	3 500,00	3 500,00	
	<i>шундан:</i>				
	Лойиҳалаштириш, лойиҳани бошқариш ва қурилиш ишлари назорати бўйича маслаҳатчининг хизматлари	минг АҚШ долл. экв.	3 300,00	3 300,00	
	Лойиҳани мувофиқлаштириш гуруҳи харажатлари	минг АҚШ долл. экв.	200,00	200,00	
2.3.	Лойиҳа бўйича кўзда тутилмаган харажатлар	минг АҚШ долл. экв.	900,00	900,00	
2.4.	Инвестиция даврида молиявий харажатлар	минг АҚШ долл. экв.	4 938,14	600,00	4 338,14
3	Солиқ ва божхона имтиёзлари	минг АҚШ долл. экв.	11 700,00		11 700,00

**) Лойиҳанинг якуний қиймат кўрсаткичлари батафсил лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилганидан кейин ҳамда товарлар (ишлар ва хизматлар) етказиб бериш бўйича тендер савдолари натижаларига кўра белгиланади.*

**“Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри канализация тизимини реконструкция килиш ва қуриш” лойиҳаси бўйича Европа тикланиш ва тараққиёт банки қарзини қайтариш, фоизлар ва воситачилик ҳақини тўлашнинг
ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ**

Қарз миқдори - 60,0 млн АҚШ долл.
Қарз муддати - 15 йил*
Имтиёзли давр - 4 йил
Фоиз ставкаси** - Ўзгарувчан фоиз ставкаси (LIBOR USD 6 m + 1 %)
Мажбурият учун воситачилик ҳақи - 0,50%

минг АҚШ долл.

Йиллар	Тўланадиган фоизлар	Мажбурият учун воситачилик ҳақи	Асосий қарзни қайтариш	Жами қайтариладиган маблағ
15.04.2020	12,2	147,2		159,4
15.10.2020	42,1	143,5		185,6
15.04.2021	71,6	115,2		186,8
15.10.2021	293,2	88,2		381,4
15.04.2022	511,5	65,1		576,6
15.10.2022	696,7	42,6		739,3
15.04.2023	874,2	14,8	2 727,3	3 616,3
15.10.2023	1 220,0	0,0	2 727,3	3 947,3
15.04.2024	1 109,1		2 727,3	3 836,4
15.10.2024	1 053,6		2 727,3	3 780,9
15.04.2025	992,7		2 727,3	3 720,0
15.10.2025	942,7		2 727,3	3 670,0
15.04.2026	882,4		2 727,3	3 609,7
15.10.2026	831,8		2 727,3	3 559,1
15.04.2027	772,1		2 727,3	3 499,4
15.10.2027	720,9		2 727,3	3 448,2
15.04.2028	665,5		2 727,3	3 392,7
15.10.2028	610,0		2 727,3	3 337,3
15.04.2029	551,5		2 727,3	3 278,8
15.10.2029	499,1		2 727,3	3 226,4
15.04.2030	441,2		2 727,3	3 168,5
15.10.2030	388,2		2 727,3	3 115,5
15.04.2031	330,9		2 727,3	3 058,2
15.10.2031	277,3		2 727,3	3 004,5
15.04.2032	221,8		2 727,3	2 949,1
15.10.2032	166,4		2 727,3	2 893,6
15.04.2033	110,3		2 727,3	2 837,6
15.10.2033	55,5		2 727,3	2 782,7
Жами:	15 344,5	616,7	60 000,0	75 961,2

*) Қарз берилиши муддати молиявий битим имзоланиши санасига боғлиқ.

**) Ҳисоб-китобларни тайёрлаш пайтида АҚШ доллари учун LIBOR ставкаси 2,63% бўлганлиги инобатга олиниб ҳисобланган фоиз ставкаси бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ҳисобга олинган ҳолда, йилига 4,0 фоиз деб қабул қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 14 апрелдаги 220-сон қарорига
3-илова

**“Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри канализация тизимини
реконструкция қилиш ва қуриш” лойиҳаси доирасида Европа тикланиш
ва тараққиёт банки қарзларига хизмат кўрсатиш харажатларини
қоплаш бўйича улушлар тақсимотининг
ПРОГНОЗИ**

Йиллар	“Ўзсувтаъминот” АЖнинг “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ улуши	Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджетининг улуши
2020	0,0%	100,0%
2021	0,0%	100,0%
2022	0,0%	100,0%
2023	0,0%	100,0%
2024	24,4%	75,6%
2025	27,3%	72,7%
2026	30,0%	70,0%
2027	29,2%	70,8%
2028	33,8%	66,2%
2029	38,5%	61,5%
2030	46,0%	54,0%
2031	51,8%	48,2%
2032	55,1%	44,9%
2033	56,0%	44,0%
Жами:	35,2	64,8

